

Ўзбек Ва Рус Тилларида Деминутивлар Ясовчи Қўшимчалар Турлари Ва Уларнинг Аксиологик Моҳияти

Азимова Умида Абдукаҳхаровна¹

Аннотация: Деминутивлар кичрайтирув ва эркалаш қўшимча маъносига эга бўлган сўзлар бўлиб, уларнинг кундалик сўзлашувимиздаги ўрни жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбек тилида деминутивларни яратишда асосан –ча қўшимчасидан қўлланилса, рус тилида бу жараёнда бир қатор қўшимчалар ишлатилади. Бунга қарамасдан ўзбек тилидаги –ча қўшимчаси полифункционал аҳамиятга эга бўлиб, у турли хил маънога эга сўзларни ясашда иштирок этади. Бизнинг мақоламизнинг қисқача мазмуни шункики ўзбек ва рус тилларида деминутивни ясовчи морфемалар билан танишиб чиқиш ва аксиологик нуқтаи назардан икки тил ўртасидаги тафоввут ва мутаносибликларни аниқлашдан иборат.

Калит сўзлар: деминутив, аксиология, суффикс, морфема, юклама, от, сифат, равиш, камситиш, хурмат, қадрламоқ.

КИРИШ ҚИСМИ

Деминутивлар (лотин тилидан олинганда “*dēminūtīvus*” – “кичрайтирувчи”) – кичрайтирув, эркалаш, камситув каби қўшимча маъноларни ўз ичига олган сўзлар бўлиб, улар ўзбек тилида –ча қўшимчаси орқали яратилади. Масалан: *машинача, дўпчица, юракча, одамча, кўйлакча, ўртоқча* ва хоказо. Кўриб турганингиздек, уларда бевосита экспрессив жихатлар юзага келади: муаллиф (гапирувчи)нинг объектга нисбатан фикри, муаллифнинг кайфияти, объектнинг категориялашиши. Ушбу категориялар ўзбек тилида куйидаги талқинни назарда тутлади:

1. Болалар дискурси учун кичрайтириш (*одамча, уйча, ўртоқча, машинача, сунургица, чойшабча*). Бунда деминутивлар кичик ёшли бола муҳитидаги предметларни ифодалаш учун гапирувчи томонидан ишлатилади. Бу ҳолда деминутивлар ижобий характер ва таъсирга эга бўладилар.
2. Вазн-ўлчов билан боғлиқ мутаносибликни ифодалашда қўлланилади. Бунда деминутивлар қўшимча экспрессив маънони ўз ичига олмайдилар, аксинча реал ўлчамларга жавоб берадилар: *уйча, этикча, аравача, дафтарча, стулча* ва хоказо.

Экспрессив функция (баҳолаш) субъектив равишда ифодаланади, у ҳам ижобий, ҳам салбий характерга эга бўлиши мумкин. Мақоламизнинг бошида шуни таъкидлаб ўтмоғимиз лозимки, ўзбек тилидаги –ча қўшимчаси нафақат деминутивларга нисбатан, балки умуман бошқа семантик ва функционал моҳиятга эга сўзлар билан ҳам ишлатилади. Улар қаторида: *қўшимча, тушунча, ўртача, анча, бизнингча, кўрмагунча, билганча, кулча, боғча* – каби сўзлар мавжуд. Англаганингиздек, бу сўзлар семантик жихатдан олиб қаралганда бир-биридан мутлақо фарк қиладилар ва экспрессив маънодан ҳолилар.

РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ДЕМИНУТИВ ЯСОВЧИ ҚЎШИМЧАЛАР. ЧОҒИШТИРМА ТАҲЛИЛ

Рус тилида деминутивларни хосил қилишда куйидаги қўшимчалар ишлатилади: *-ёнок/-онок* (ребёнок), *-очк/-ечк-* (сумочка/утречко), *-чик* (шкафчик/стульчик), *-шик/-ушк-* (домишко/оладушки), *-уш/-юш-* (Катюша/Петруша), *-аш/-яш-* (папаша/Костяша), *-ик/-ок-* (домик/Сашок), *-иц/-к-* (сестрица/кровать), *-ейк/-ёк-* (ячейко/конёк), *-ул(я)/-ун(я)*

¹ Тошкент давлат иқтисодиёт университети ўзбек ва рус тиллари кафедраси катта ўқитувчиси



(бабуля/дедуня), *-ур(к)-* (дочура-дочурка), *-ут/-ют-* (Анюта/Дашута) ва кўплаб бошқа суффикслар.

Гувоҳи бўлганингиздек, ўзбек тилида исмларни қисқартиришда уларга эркалаш қўшимчаси ишлатилмайди: *Шаққи, Нанпи, Оди, Ибо, Элиш, Алиш*, - аксинча бу ерда хурматсизликни англатувчи салбий маъно вужудга келади. Шу сабабга кўра кўплаб адабиётшунос, тилшунослар ўзбек тилида қисқартмалардан мутлоқ воз кечишни тавсия қилишади. Лекин бу дегани ўзбек тилида исмларни ишлатган ҳолда эркалаб мурожаат қилиш шакли йўқ дегани эмас. Аксинча тўлиқ исмларга *жон* ва *хон* сўзлари қўшилган ҳолда бунинг иложи бор ва жонли мулоқотда халқ ичида ва баадий манбаларда кузатилади: *Нафисахон, Алишержон, Мухаммаджон, Одинахон* ва хоказо. Рус тилидан фарқли ўлароқ ўзбек тилидаги ушбу қўшимчалар универсал табиатга эга, яъники барча исмларга, инсонларга (*бувижон*) нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин. Шундай экан, *ребёнок* сўзининг аналогича бўлиб эса фақатгина *болача* эмас, балки *болажон, болакай кичкинтой* каби сўзлар ҳам тилимизда кенг қўлланилади. Бундан ташқари ўзбек тилидаги эркаликни, азизликни англатувчи *той* морфемаси оддийгина қўшимча эмас, балки *хон* ва *жон* каби бутун бир сўзидир. Бу **ўзбек тилида эркалаш/кичрайтириш сўзларининг семантик ва экспрессив жихатдан кўра кўпроқ ижобий маънога – хурматга, кадрлашга, иззатга ва эҳтиромга кучли урғу қаратилишини** англатади: *Онажон, дадажон, бувижон, боботой*. Шу билан бирга ўзбек тилида қиз ва ўғил фарзандга деминутивлар билан мурожаат қилинганда ҳам *она* ва *ота* каби семантик жихатдан азиз зотларни англатувчи бутун бир сўзлар қўлланилиши ўзбек халқининг болаларга бўлган чексиз муҳаббатидан далолатдир: *она-қизим, ота-ўғил*.

Шуни таъкидлаш жоизки, ўзбек тилидаги *-ча* қўшимчаси деминутив сифатида ишлатилмаслиги ҳам кенг кузатилади: *вақтинча, худбинларча, ўзгача, билганча, болаларча*. Бу ерда улар равишларнинг маъно жихатларини яратишда кўмакчи вазифасини бажаришади: *қанчалик узоқ?* – вақтинча; *қай тарзда?* – худбинларча; *қандай услубда?* – ўзгача; *қандай қилиб?* – билганча; *ким каби?* – болаларча.

Бундан ташқари ушбу қўшимча сон сўз туркумига чама маъносини англатиш учун ҳам қўшилади: *юзтача, ўн мингча* ва хоказо. *Кулча, боғча* сўзларида эса ушбу *-ча* алоҳида қўшимча сифатида белгиланмайди, чунки сўзнинг илдизига киради. Буни *-ча* қисмини олиб ташланса бу сўзлар асл семантикасини йўқотиши мисолида исботласа бўлади: яъни *кул* – бу *кулча*, *боғ* эса *боғча* эмасдирлар.

Биз ушбу қўшимчаларнинг семантик моҳиятини батафсил мақоламизда кўриб чиқар эканмиз уларнинг бир жиҳати эътиборимизни тортди: рус тилидаги суффикслар нафақат от сўз туркумида, балки сифат ва равиш билан ифодаланган сўзларда ҳам демунитив шаклини яратишда иштирок этадилар. Бундан тадқиқ қилинаётган тиллар деминутивларига доир навбатдаги тафоввут келиб чиқади – **рус тилида отлар билан бир қаторда сифат ва равишлар ҳам деминутив шаклга эга бўла олади** ва бу шакллар рус тилидаги сифатларнинг жиҳат даражаси (*степень качества*) категориясини яратиб беради. Қуйида ушбу суффикслар ишлатилган сифатлар мисол қилиб келтирилган: *красивенький, миленький (-еньк), лёгонький, потихоньку(-оньк), тихонечко(-ечк-)*.

Таққослаш учун сизга худди шу суффиксларни от сўз туркумига алоқадор бўлган сўзлар таркибида келганининг мисолини келтирамыз: *рученька/дороженька/папенька/маменька(-еньк-), смертонька/шапонька/девонька (-оньк-)*.

Ўзбек тилида эса равиш ва сифатларга бундай маънони ўз ичига олиши учун бошқа *-гина* қўшимчасидан фойдаланилади: *ширингина, осонгина*. *-гина* қўшимчасини от сўз туркуми бўлган сўзлар таркибида ишлатиб бўлмайди. Агар *-гина* қўшимчасидан аввал келадиган ҳарф қ бўлса, ундаги *г* ҳарфи *қ* га ўзгаради: *аччиқ + гина = аччиққина*.



ХУЛОСА

Шундай қилиб, хулоса ўрнида шуни таъкидлашни ўз бурчимиз деб биламизки, ўзбек тилида деминутивлар нафақат қўшимчалар орқали, балки бутун бир сўзлар орқали ҳосил бўладилар. Бунда қўшимчалар ҳам, сўзлар ҳам ўзга бир сўз таркибида бошқа вазивани бажариши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Рус тилида эса, ўзбек тилидан фарқли ўлароқ, деминутив ҳосил қилувчи суффикслар турлари кўп бўлиб, улар нафақат от сўз туркумига нисбатан, балки демунитив маънога эга сифат ва равишларни ясашда ҳам қўлланилади.

Шунга қарамадан аксиологик нуқтаи назардан масалани ўрганган ҳолда биз шундай фикрга келдикки, ўзбек тилидаги деминутивлар, – ҳатто уларнинг яратилиш услуби ва бунда қўлланиладиган бутун бир морфемалар ҳам шундан далолат берадики, ўзбек тилида деминутивлар кичрайтириш, писанд қилмаслик ва камситиш, шунчаки эркалаб мурожаат қилиш маъносини эмас, балки хурмат ва эҳтиромни, иззатлаш ва эъзозлашни, севиб-ардоқлашни англатади.

Фойдаланилган адабиёт

1. Зинин Е. О. Вариантность русских деминутивов (на примере идиолекта Ф.М. Достоевского)/монография. – Наманган, 2009 – 165 с.
2. Свободова Й. Деривационные и стилистические особенности русских деминутивов (на материале автобиографической трилогии М. Горького): автореф. дис. канд. филол. наук. – Волгоград: пединститут им. А.С. Серафимовича, 1992 – 22 с.
3. Хидекель С.С. Природа и характер языковых оценок // Лексические и грамматические компоненты в семантике языковых знаков. – Воронеж: Изд-во Воронежского ун-та, 1983 – 150 с.
4. Ҳожиёв Азим. Ўзбек тили сўз ясаиши тизими/Олий ўқув юртларининг филология факультетлари ўқитувчи ва талабалари учун қўлланма. – Тошкент: Ўқитувчи-НМИУ, 2007 – 168 бет.
5. Чурганова В.Г. К истории словообразования деминутивов в русском языке // Вопросы исторической лексикологии и лексикографии восточнославянских языков. – М.: Наука, 1974 – 366 с.
6. Шейдаева С.Г. Категория субъективной оценки в русском языке: автореф. дис. канд. филол. наук. – Н.Новгород: Нижегородский госуниверситет им. Н.И. Лобачевского, 1998 – 42 с.

